

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтмига утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 3 (1078), 2017 йил 19 январь

## 2017 ЙИЛ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ



## Аҳолининг бизнес фаоллигини ошириш мамлакатимиз банк тизими олдидаги энг устувор вазифадир

Кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий мулк ва кичик бизнеснинг иқтисодийдаги ролини ошириш, тadbиркорлик субъектларига янада кўпроқ эркинлик бериш, қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар қўллаш мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бинобарин, иқтисодий тармоқларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, экспорт ҳажмини юксалтириш, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини оширишда бу соҳанинг ўрни ғоятда катта.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида шу масалага тўхталар экан, ҳар бир оила билан мулоқот ташкил қилиш орқали фуқароларнинг тadbиркорлик соҳасида ишлаши учун кулай имкониятлар яратиш, шу мақсадда тижорат банклари ҳамда уларнинг жойлардаги филиаллари, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, тadbиркорларга молиявий кўмак ва мадад бериши зарурлиги, банклар энди халқимизни тadbиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Республикамиз банк тизими олдида қўйилган ушбу устувор вазифадан келиб чиқиб, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида тижорат банклари томонидан аҳолини тadbиркор қилиш мақсадида ҳар бир хонадоннинг тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банк хизматлари ва кредит маблағларига эҳтиёжи ўрганилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мазкур муҳим вазифа қамраб олинган ҳамда 2017 йилда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тadbирлар дастури ишлаб чиқилгани, унинг ижроси таъминланаётгани айтиш мумкин.

Гап шундаки, унга мувофиқ, тижорат банкларининг вилоят, туман ва шаҳар филиалларида янги бўлинмалар ташкил қилиниб, улар замонавий фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усуллари пухта ўзлаштирган, ватанпарвар мутахассислар билан таъминланди. Ўз навбатида, банкларнинг бош офисларида ушбу бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи тегишли бўлинмалар бел-

гиланиб, иш режаси ишлаб чиқилди. Бунинг самараси эса ҳозирда қўзғалғин ташланмоқда. Яъни банк филиаллари ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинлари жойлашуви инobatта олинган ҳолда, республикамизнинг барча ҳудуддаги маҳаллалар тўлиқ қамраб олинди. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасининг жами 179 та маҳалласидаги 357 минг 441 хонадон ҳудуддаги 52 та банк филиалига бириктирилди.

Ташкил қилинган янги тузилманинг асосий вазифаси, лўнда қилиб айтганда, меҳнатга лаёқатли, ташаббускор аҳоли орасидан янги мижозларни топиб, уларни тadbиркорлик фаолиятига жалб қилиш, шу орқали янги хўжалик юртувчи субъектлар ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишдан иборат.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналарини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, ҳукумат аъзолари, хўжалик бирлашмалари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари қатнашдилар. Биринчи бор вилоят, шаҳар ва туманлар марказларида ташкил этилган студиялар билан видеоконференция алоқаси орқали ҳукумат мажлисида маҳаллий ҳокимият, вазирлик, идоралар ҳудудий бўлинмалари, корхоналарнинг раҳбар ходимлари ва тadbиркорлар иштирок этдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Маърузада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» ни ва мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш Дастурини изчил амалга оширишни давом эттириш 2016 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолишни ва макроиқтисодий мувозанатни, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошишини таъминлашнинг қайд этиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

### ● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Эркин иқтисодий зоналар фаолияти такомиллашмоқда

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларда замонавий sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган семинарда бу алоҳида қайд этилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, олимлар, экспертлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 17 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.\*)

1 Австралия доллари	2429,52	1 Канада доллари	2473,23	1 Норвегия кронаси	381,65	1 евро	3450,04
1 Англия фунт стерлинги	3910,38	1 Хитой юани	471,63	1 Польша злотийси	787,43	10 Жанубий Корея вони	27,51
1 Дания кронаси	463,75	1 Кувайт динари	10634,82	1 Сингапур доллари	2274,43	10 Япония иенаси	284,68
1 БАА дирхами	885,12	1 Россия рубли	54,76	1 СДР	4393,00	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олман.	
1 АҚШ доллари	3251,06	1 Украина гривнаси	117,50	1 Туркия лираси	867,83		
1 Миср фунти	172,01	100 Ливан фунти	216,00	1 Швеция кронаси	363,99		
1 Исландия кронаси	28,48	1 Малайзия рингити	728,28	1 Швейцария франки	3214,74		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи:

1 USD ▲ 3251,06 – (3243,89) | 1 EUR ▲ 3450,04 – (3419,18) | 1 GBP ▼ 3910,38 – (3967,93) | 10 JPY ▲ 284,68 – (276,22)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси кун тартибига киририлган муҳим масалаларни муҳокама қилиш давомида 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

Иқтисодийётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорда ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди. Шу жумладан, «ЖМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» моделдаги энгил автомобилларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида цемент заводи кенгайтирилди, Толимаржон иссиқлик энергия станциясида қуввати 900 МВт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик энергия станциясида қуввати 150 МВт бўлган юқори қулли кўмирни ёқувчи энергия блоки ишга туширилди.

Фарона водийси вилоятларини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган, Қамчиқ тоғли довони орқали ўтувчи 19 километрик ноёб туннелга эга бўлган электрлаштирилган янги Ангрен – Поп темир йўл линияси қурилди. Тошкент – Бухоро маршрути ва қарама-қарши йўналиш бўйича юқори тезлаштирилган «Афросиёб» йўловчи ташувчи электропоездлар ҳаракати ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот – 11,2 фоизга, картошка – 9,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоизга ўсишини таъминлади.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга

кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди.

Ижобий таркибий ўзгаришлар ва иқтисодийётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга ошди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар – 12,1 фоизга, аҳоли жон бошига реал даромадлар – 11 фоизга ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида она ва боланинг саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлодни шакллантириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 8 триллион сўм ва 212 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

Мамлакат Президенти ўз маърузасида мавжуд ҳал бўлмаган муаммолар ва тўлиқ ишлатилмаган захираларни батафсил ва ҳар томонлама муҳокама қилган ҳолда 2017 йилдаги республиканинг иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим стратегик вазифалари ва устувор йўналишлари бўйича таклиф киритди. Устувор вазифалар қаторида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқотни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, унинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол давом эттириш масалалари марказий ўринни эгаллади.

Ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда иқтисодийётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудларни комплекс ва интенсив равишда ривожлантириш, тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, иқтисодийётни бошқаришдаги давлат ролини босқичма-босқич камайтириш ва унинг органлари ишини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амал-

га ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароитини яхшилашни таъминловчи арзон уй-жойларни қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида қабул қилинган янги мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича муҳим вазифа ва чоралар белгиланди.

Мажлисида кун тартибининг муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, қатор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди.

Йўл қўйилган хатлар ва камчиликлар, ташаббуссизлик учун айрим раҳбарлар уларни бартараф этиш ҳамда республика иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни янада жадал ривожлантириш бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ижросини таъминлашда шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилдилар.

Ўтказилган мажлис якунлари бўйича мамлакат Президенти томонидан ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар раҳбарлари олдига қўйидаги аниқ устувор вазифалар ва талаблар қўйилди:

биринчи – 2017 йилги иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

иккинчи – иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа ва республика ҳудудларида ишларнинг ҳолатини тизимли танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда устувор вазифаларига тегишли тузатишлар киритиш;

учинчи – яқуний иш натижалари, қаттиқ интизомга риоя қилиш ҳамда тобора ортиб бораётган замонавий талабларга мувофиқ бошқарув тизими самарадорлигини кучайтириш борасида раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини ошириш.

Муҳокама якунлари бўйича республика ҳукумати қарори қабул қилиниб, 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Ў.А.

## Эркин иқтисодий зоналар фаолияти такомиллашмоқда

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Парламент қўйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Шодмонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим дастурлашмоқда.

Унга биноан жаҳон стандартларига мос, ташқи бозорларда рақобатбардош ва хариддориги махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий, илғор ва юқори умумли технологияларни ташкил этиш ва жорий қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, ушбу ҳудудларнинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Фармон асосида эркин

иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантириш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш мўлжалланмоқда.

«Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида олиб келинадиган хомашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилиши, зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиниши ва тўловлари белгиланмоқда.

Семинарда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламига етказиш, тадбиркорлик субектлари вакиллари ўртасида фаол тарғиб қилиш, қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросининг таъсирчан мониторингини йўлга қўйишга доир фикрлар билдирилди.

Ў.А.

## «Туронбанк» АТБ: истиқболли режалар самарали фаолият пойдевори

«Туронбанк» акциядорлик-тижорат банкида «2017 йил учун кредит сиёсати» ҳамда «Кредит портфелининг сифатини оширишда банк филиаллари масъул ходимларининг вазифалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.



Айтиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши натижасида барча соҳалар қатори банк тизимида ҳам бир қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Аҳоли орасида тадбиркорликни янада ривожлантириш, бу борада банк томонидан имтиёзли кредитлар берилишини янада такомиллаштириш ва мазкур жараёнда банк ходимларининг масъулиятини янада ошириш каби устувор вазифаларни ўзида мужассамлаштирган мазкур тадбирда аниқ шу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

(Давоми 4-бетда).

## ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

## Аҳолининг бизнес фаоллигини ошириш мамлакатимиз банк тизими олдидаги энг устувор вазифадир

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бунинг учун масъул ходимлар хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот ўтказиши, айниқса, эътиборга моликдир. Улар бу жараёнда махсус саволнома асосида одамлар билан суҳбатлашиб, таклиф этилаётган банк кредитлари турлари ва шартлари, шунингдек, кредит ҳужжатлари ҳамда гаров таъминоти тўғрисида атрофлича тушунча бермоқдалар. Ўтказилган савол-жавоб натижасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, банкдан кредит олиш истагида бўлган фуқаролар аниқланапти.

Улар орасидан тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тайёр бизнес-режаси, кредит олиш учун зарур ҳужжатларга эга фуқароларнинг лойиҳалари ўрганиб чиқилиб, қисқа фурсат ичида кредит расмийлаштирилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун бизнес лойиҳаси мавжуд, лекин кредит олиш учун тегишли шартлар (гаров таъминоти, ер майдони, коммуникация тармоқлари ва бошқалар) ҳамда ҳужжатларга эга бўлмаган фуқароларнинг бизнес лойиҳалари эса ўрганиб чиқилгач, банкдан кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш бўйича тушунтириш берилиб, амалий ёрдам кўрсатилаётди.

Қолаверса, тадбиркорлик билан шуғулланишга иштиёқи бор, аммо бизнес-режа, кредит олиш учун зарур ҳужжатларга эга бўлмаган фуқароларга банклар томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш учун намунавий лойиҳалар таклиф этилиб, ўзларини қизиқтирган йўналишни ўзлаштиришлари учун қандай чора-тадбирлар кўриш лозимлиги бўйича тушунтириш ишлари олиб борилапти.

Шу ўринда айтиш жоизки, илгари бизнес фаолиятини энди бошламоқчи бўлганларга мураккаб технологиялар асосидаги ишлаб чиқаришлар эмас, балки шахсий томорқада, мавжуд шарт-шароитлар асосида амалга ошириш имконияти мавжуд бўлган лойиҳаларга эътибор қаратиш тавсия қилинади.

Масалан, паррандачиликни олайлик. Тухум ва парранда гўшти етиштириш мақсадида 15 млн. сўмлик кредит эвазига уй шароитида 500 та товуққа мўлжалланган кичик хўжалик ташкил этилса, бир кишининг бандлиги таъминланади. Энг муҳими, ҳисоб-китобларга кўра, олинган кредит маблағидан самарали фойдаланиб, 2 йил давомида кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлиқ тўлаш, 11 млн. сўм соф фойда олиш мумкин.



Ёки бўлмаса, 14 млн. сўмлик кредит ҳисобига 3 бош қорамол харид қилинса, 3 йил давомида кредит қарзи ва унинг фоизларини тўлиқ тўлаб, камидан 20 млн. сўм соф фойда топиш имкони мавжуд. Шунингдек, асаларичилик, қуёنчилик, балиқчилик, боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини йўлга қўйиш, ихчам иссиқхоналар, кичик ишлаб чиқариш цехлари, тикувчилик, умумий овқатланиш, аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларини ишга тушириш, касаначилик ва хўнарандчиликни ташкил этиш эвазига ҳам доимий даромад манбаини шакллантирса бўлади. Шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишларда намунавий бизнес-режалар тайёрланиб, улар тижорат банкларига етказилди.

Бундан ташқари, эндиликда фуқароларнинг хоҳиш-истаклари, имкониятлари ва гаров таъминотидан келиб чиқиб, энг кам иш ҳақининг 1000 ба-

раваригача микрокредитлар ёки ундан ҳам юқори миқдордаги кредитлар ҳисобига амалга оширилаётган юксак технологияли лойиҳаларни молиялаштириш борасида амалий сўй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Зарур ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтиш ва тегишли рухсатномаларни олиш юзасидан йўл-йўриқ ва амалий ёрдам кўрсатилаётди.

Албатта, инсондаги ишбилармонлик қобилиятини тўлиқ юзага чиқариш

риш, кредит ҳужжатларини тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар олиб боришмоқда.

Аҳолини бизнесга кенгроқ жалб қилишда яна бир муҳим масала – ҳар йили республикаимиз бўйича олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини битираётган ўртача 500 мингдан зиёд ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Бунда уларга ўқиш давридаёқ учрашувлар ўтказиб, бизнес-режа тузиш, кредит, гаров таъминоти тўғрисида тушунчалар бериб борилаётгани кўл келаётди.

Таъкидлаш керакки, маҳаллаларга бириктирилган ҳар бир масъул ходим ўрганилган хонадонлар қамрови, ажратилган кредитлар ҳажми, ташкил этилган янги тадбиркорлик субъектлари ва яратилган янги иш ўринлари сонига қараб, банкларга 1 баллдан 9 баллгача бўлган рейтинг баҳолари берилади. Яъни энг яхши кўрсаткич учун – 9 балл, энг ёмон кўрсаткичга – 1 балл қўйилади. Ҳосил бўлган натижалар умумлаштирилиб, ҳар бир тижорат банкининг умумий рейтинг кўрсаткичи аниқланади. Ушбу мезон бўйича энг яхши натижага эришган молия муассасалари рағбатлантирилади. Ишлари самарасиз бўлган тижорат банклари раҳбарларига нисбатан эса тегишли чоралар кўрилади.

Умуман, Президентимиз томонидан банк тизими олдида қўйилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида юртимиз тижорат банклари мавжуд имкониятларини тўлиқ сафарбар этишга интиломоқда. Мақсад битта: у ҳам бўлса, аҳолининг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариб, мулкдорлар синфини кенгайтириш, одамларнинг даромад манбаини кўпайтириш, турмушини бундан-да фаровон қилишдир. Зеро, «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилдан оғишмаган ҳолда, аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилатгани ўзининг юқори самараларини бериши мукаррар.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банки материаллари**  
**асосида Бекзод АКРОМОВ**  
**тайёрлади.**

## Мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги босқичи

Мамлакатимиз иқтисодийётининг изчил тараққиётини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шартлар яратиш каби устувор вазифалар барча соҳаларда бўлгани каби тижорат банклари ҳам катта масъулият юклагоқда.

Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида тижорат банкларининг фаол иштироки билан аҳоли ўртасида тадбиркорликни тарғиб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини ташкил этиш борасида самарали ишлар олиб борилаётди. Банклар томонидан мамлакатимиз фуқароларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари кенг имкониятлар яратиш учун молиявий кўмак ва мадад беришнинг янги усуллари жорий этилганини таъкидлаш ўринли.

Бундай салмоқли ишлар сирасига тижорат банкларининг жойлардаги филиалларида фаолият юритувчи масъул ходимларнинг аҳоли яшаш масканларига бориб, хонадон аъзолари билан суҳбатлашиб, имтиёзли кредитлар, уларнинг турлари ҳамда шартлари тўғрисида алоҳида тушунчалар бераётганини алоҳида қайд этиш лозим.

– Бир неча йилдан буён тикувчилик цехи очишни

орзу қилардим, – дейди **Тошкент шаҳар Сергели туманида истиқомат қилувчи Вера Марухнич.** – Хонадонимга банк ходимларининг ўзлари келиб тадбиркорликнинг бир неча турлари бўйича кредитлар таклиф қилишди ва лойиҳам юзасидан керакли тавсия ва маслаҳатлар беришди. Асосийси, қисқа муддатда банкдан кредит олиб фаолиятимни бошлашим мумкин экан. Бундай сўй-ҳаракатлар мен каби тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган юртдошларимиз учун жуда қулай имконият деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, республикаимиз тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган микрокредитлар 1000 минимал иш ҳақи, яъни бугунги кунда 150 млн. сўмгача бўлган миқдорда 3 йилгача муддатда имтиёзли фоиз ставкаларида берилиши кўпчиликка маъқул келмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ва кредитга тала-



би бор оила вакилларининг бизнес лойиҳалари тижорат банкларининг филиаллари томонидан қисқа муддатда ўрганилиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмак берилаётди.

Юқоридаги фикрларимизни айни бир банк, яъни «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг фаолияти мисолида янада ойдинлаштирамиз.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг  
Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам  
бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби  
тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида  
2017 йил 5 январь куни 1863-4-сон билан  
давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сон қарори (рўйхат рақами 1863, 2008 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 40-41-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки раиси в. в. б.  
Тошкент ш.,  
2016 йил 28 декабрь,  
41/1-сон

С. ХОДЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2016 йил 28 декабрдаги  
41/1-сонли қарорига  
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг  
Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам  
бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби  
тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартиришлар

- 18-банднинг 11-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«11) Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ) коди»;
- 2-иловадаги «Тармоқ коди» деган сўзлар «ИФУТ коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 3-иловадаги «Тармоқ коди» деган сўзлар «ИФУТ коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 4-иловадаги «Тармоқ коди» деган сўзлар «ИФУТ коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 7-иловадаги «Тармоқ коди» деган сўзлар «ИФУТ коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## Мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги босқичи

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

Республикамининг барча шаҳар ва туманларида бўлгани каби Тошкент вилоятининг Паркент ҳамда Оҳангарон туманларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «Микрокредитбанк» АТБ ҳамкорлигида оддий аҳолини тадбиркорликка жалб этишга доир устувор вазифаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мазкур лойиҳа ижросини самарали ташкил этиш учун банк ходимлари томонидан аҳоли билан суҳбатлар ўтказилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бўлган фуқароларни аниқлаш, банк томонидан таклиф этилаётган кредит турлари ва шартларини, ажратиш механизмларини тушунтириш ҳамда микрокредит олиш учун ариза, бизнес-режа ҳамда таъминот ҳужжатларини тайёрлаш борасида батафсил маълумот бериш назарда тутилган.

хунармандлик, касаначилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланиш истагини билдирган.

Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, тадбиркорликни янада ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтириш мақсадида «Микрокредитбанк» АТБ томонидан 2017 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1 трлн. 260 млрд. сўм кредит ажратиш режалаштирилган бўлиб, 2017 йилда банк кредит портфелини 1 трлн. 370,0 млрд. сўмга етказиш белгиланган. Шунингдек, 2017 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар миқдорини 2016 йилга нисбатан 40 фоизга ошириб, 1 704 та



Бундай саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, ўтган қисқа фурсат давомида 428 та аҳоли масканларидаги 10 мингдан зиёд хонадонларда сўровномалар ўтказилди. Мазкур сўров натижасида аҳолининг асосий қисми тадбиркорликнинг у ёки бу тури, айниқса, боғдорчилик, чорвачилик, иссиқхона, паррандачилик,

лойиҳага 245,9 млрд. сўмлик кредит ажратиш режалаштирилмоқда. Бунда саноат соҳасига 125,4 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш соҳасига 84,8 млрд. сўм, қишлоқ ҳўжалигига 35,7 млрд. сўм кредитлар ажратилиб, 15 мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

## «Туронбанк» АТБ: истиқболли режалар самарали фаолият пойдевори

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

Семинарда «Туронбанк» АТБ раҳбарияти ва банкнинг вилоятлар ҳамда пойтахтимизда жойлашган филиалларида фаолият юритувчи 100 дан зиёд ходимлари, бир қатор мутасадди ташкилотларнинг вакиллари қатнашди. Дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, юридик фанлари номзоди Акмал Раҳмонов йиғилганларни Қуролли Кучларимизнинг 25 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан муборакбод этиб, буғунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар ҳар бир соҳанинг ривожини йўлида улкан имкониятлар яратаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисмида «Туронбанк» АТБнинг 2017 йилдаги асосий вазифаларига тўхталиб ўтилди. Айни пайтда «Оддий аҳолини тадбиркорга айлантириш» лойиҳаси барча тижорат банклари, хусусан, «Туронбанк» АТБ тизимида ҳам жорий этилмоқда. Таъкидланганидек, мазкур лойиҳа ижросини самарали ташкил этиш учун банк филиалларида фаолият юритувчи ходимлар хонадонларга бирма-бир кириб, аҳоли билан суҳбатлар ўтказиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган хонадон аъзоларини аниқлаш, банк томонидан таклиф этилаётган кредит турлари ва шартларини батафсил тушунтиришга доир ишларни амалга ошириш йўлга қўйилмоқда.

Банк мутахассислари томонидан жорий йил учун мўлжалланган кредит сиёсатида 2016 йилдаги кредит сиёсатидаги нисбатан барча таклиф ва амалиётдаги муаммолардан келиб чиқиб бир қатор муҳим ўзгаришлар жорий қилинганлиги, шунингдек, «Туронбанк» АТБда молиявий истеъмол кредитларини ажратишга доир амалга оширилган бир қатор ижобий ишлар ва галдаги вазифалар хусусида ҳам маълумотлар берилди.

– 2017 йилдаги фаолиятимизнинг асосий йўналишлари қисқа муддатда ишлаб чиқилиб, «Туронбанк» АТБ Кенгаши томонидан тасдиқланди, – дейди «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Файзуллаев. – Шу

ўринда таъкидлаш лозимки, 2017 йил учун банкнинг барча йўналишлардаги сиёсати ҳар томонлама пухта, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мутахассисларининг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишимиз лозим бўлган бир қатор истиқболли лойиҳаларни ҳам белгилаб олдик. Бундан ташқари, янги банк хизматларини жорий қилиш мақсадида ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда ва амалдагилари янада такомиллаштирилмоқда.

Йиғилишда банк мутахассислари томонидан 2017 йил учун юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган банк хизматларининг таъри-

фи, жорий йил учун белги-ланган бизнес-режаси, кредит сиёсати хусусида таклиф ва тавсиялар берилди, мутахассислар томонидан семинар иштирокчиларининг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

«Туронбанк» АТБнинг барча тадбирларида тажрибали психологлар, ҳуқуқшунослар билан бир қаторда машҳур санъаткорларнинг таклиф этилиши анъанаси мазкур семинарда ҳам давом эттирилиб, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов билан учрашув ташкил этилди. Очiq ва самимий руҳда ўтган мазкур учрашувдан сўнг санъаткор ижросидаги дилторқат наволар тадбир иштирокчиларида илиқ таассурот қолдирди.

Иброҳим УСМОНОВ.

## Коллеж битирувчиларига 362 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди

Тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланаётган ёшлар сафи мамлакатимизда тобора кенгаймоқда. Ҳар йили касб-хунар коллежларини битирган минглаб йигит-кизлар иш билан таъминланади.



Эндиликда коллеж битирувчиларининг нафақат ишга жойлашиши, балки банк кредити эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратиши ҳам одатий ҳолга айланди. 2016 йилда ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 362 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Ўз бизнесини бошлаш мақсадида тадбиркорлик субъекти сифатида давлат руйхатдан ўтиб, «Агробанк»нинг Гулистон филиалида ҳисоб рақам очдим, – дейди ёш тадбиркор Шухрат Башманов. – Сўнгра сармоя олиш учун буортманом, бизнес-режа топширдик. Банк ташкил этган базавий семинарда иштирок этиб, банк ва кредит олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ажратиладиган сармоялар ва кўрсатиладиган лизинг хизматларининг турлари ва механизмлари билан яқиндан танишдик. Қисқа фурсатда мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва зарурий материаллар сотиб олишга оид лойиҳам учун 15 млн. сўм миқдорига имтиёзли кредитга эга бўлдим. Мазкур маблағ сабаб, ҳам тадбиркор бўлдим, ҳам янги иш ўринлари яратдим.

Фаргона вилоятининг Қўқон шаҳрида яшовчи Мардонабону Тўрақулова хусусий сектор ривожини учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, корхона ташкил этган ёшлардан. Ёш тадбиркор бундан икки йил муқаддам Қўқон педагогика коллежини битирган. Коллежни ту-

галлаш арафасида у «Асак» банкнинг Фарғона вилояти филиали томонидан ўтказилган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий-иқтисодий кафолатлар ҳамда ишбилармонлик муҳитига бағишланган семинарда иштирок этди. Натижада Мардонабонуда ўз бизнесини бошлаш истаги пайдо бўлди. Орузсининг қисқа фурсатда амалга ошишида банкдан олинган имтиёзли кредит унга қўл келди.

– Халқимиз дастурхонини сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш ниятида ота-онам билан маслаҳатлашиб, иссиқхона ташкил этган эдик, – дейди ёш тадбиркор. – За-

монавий талабларга жавоб берувчи иссиқхонамизда йил давомида, айниқса, қишда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун барча шароит яратилган. Ўн нафар тенгдош дугоналарим иш билан таъминланди.

Ўз бизнесини бошлаш ва уни ривожлантириш истагида бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида банклар ҳар йили имтиёзли шартлар асосида кичик бизнес субъектлари ва коллеж битирувчилари ўртасида кўрик-танловлар ўтказмоқда. «Менинг бизнес-ғоям», «Ёш тадбиркор – юртга мадакор» лойиҳалари шулар сирасидандир. «Қишлоқ

қурилиш банк»дан маълум қилишларича, касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1,3 баравар кўп миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилган.

– Банкларнинг ёшларга имтиёзли сармоялар бериши ва бунинг учун бизнес-режа мuddатда бизнес-режамиз истиқболли деб топилди ва банкдан уч юз млн. сўм кредит олдик. Мазкур маблағга қоғоз қутилар ишлаб чиқариш ускуналари харид қилиб, бозорга қоғоз қути етказиб бераётимиз.

Дастлабки сармояни мақсадли ишлатган ёшлар келгусида банклардан яна молиявий мадад олиш имкониятига эга бўлади. Жойларда ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилмоқда.

– Тадбиркорлик субъектининг турига кўра микрокредит-

нинг миқдори турлича бўлади, – дейди «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки кредитлаш департаменти директори Алишер Суямов. – Бошланғич сармояни шакллантиришга ажратиладиган микрокредитлар ташкил топганига 6 ойдан ошмаган кичик тадбиркорлик субъектларига 18 ойгача бўлган мuddатга ажратилади. Бу даврда тадбиркор фақат фоииз тўловларини, сўнг асосий қарз миқдорини ойма-ой тўлаб боради. Микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача, йиллик етти фоииз устама билан, 24 ойгача мuddатга ажратилади. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хомашё ва материалларни қайта ишлаш, хўнармадчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш учун яқка тартибдаги тадбиркорларга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари ҳамда микрофирма ва кичик корхоналарга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига 3 йилгача бўлган мuddатга берилади.

Ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади. Тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик муваффақиятлар гарови бўлади. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш, уларни ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

## Қулай ишбилармонлик муҳити – юксалиш омили

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш ва преференциялар берилаётгани ушбу тармоқнинг иқтисодий имтиёзига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги bosқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам хусусий сектор ривожланиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қўлами кенгаймоқда. Айни пайтда вилоятда 11 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. 2016 йилда 1 минг 257 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонаси ташкил этилди. Бу 42 минг 832 янги иш ўрни яратиш имконини берди. Вилоят яли худудий маҳсулотига кичик бизнеснинг улуши 79,2 фоииз, хизматлар улуши 50,9 фоиизга етди. Соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томони-

дан 586 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилди.

– Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги фармонида белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаб, соҳани янада либераллаштиришга хизмат қилади, – дейди Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Ш.Бойқулов. – Хусусий секторни жадал ривожлантиришнинг узоқ мuddатли истиқболлари белгилаб берилган ушбу ҳужжатда тадбиркорлик субъектларига янги имтиёзлар тақдим этилиб, улар фаолиятига ноқонуний аралашган ёки тўсқинлик қилган айбдорлар жавобгарлиги назарда тутилган. Текширишларни ўтказиш сони ва мuddатини қисқартириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш ҳаражатларини камайтириш белгиланган.

Термиз шаҳридаги «Ўтан полвон» хусусий фирмаси раҳбари Абдужалол Менглиев яратилаётган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини ривожлан-



2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги «Давлат мулк объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўтан полвон» хусусий фирмасига вилоят марказида бўш турган 15-болалар боғчасининг бино ва иншоотлари 4 млрд. сўм инвестиция қиратиш ҳисобидан 77 янги иш ўрни яратиш шарти билан нолий қийматда берилган эди. Тадбиркор бўш турган бинони тубдан реконструкция қилиб, тиббий муассасага айлантириш учун

лади. Тижорат банкнинг имтиёзли кредит маблағи ҳисобидан 1 млн. 930 минг долларлик замонавий магнит резонансли томограф, мультиспиралли компьютер томографи, рақамли рентген ва УЗИ аппаратлари билан жиҳозлади. ЭКГ, ЭЭГ эндоскопия ва холтер мониторлари ўрнатилди. 2015 йили фойдаланишга топширилган хусусий диагностика ва даволаш марказидаги замонавий аппаратлар нейрохирургик, онкологик, бош мия, гинекологик ва бошқа касалликларга аниқ ташхис қўйиш имконини бераётир. Марказда 80 га яқин мутахассис иш билан таъминланган.

# ТАВАККАЛЧИЛИК-МЕНЕЖМЕНТИ: «УЧ БОСҚИЧЛИ ҲИМОЯ ТИЗИМИ»

Мазкур тузилма шиддат билан ўзгариб бораётган жаҳон молия бозорида фаолият юритиб келаётган тижорат банклари мизнинг корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва банк Бошқарув кенгашининг ролини оширишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари» банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига асосан, ҳар ярим йилда, банк Бошқаруви ва банк Кенгашининг таваккалчиликларни назорат қилиш кўмитаси йўналишлари ўтказилиб, банк таваккалчиликларини бошқариш борасида олиб борилаётган ишлар натижалари муҳокама қилинади.

Банк Кенгаши қошида ташкил этилган Таваккалчиликларни назорат қилиш кўмитаси банкнинг стратегик ривожланиш режасига мувофиқ таваккалчиликларни бошқариш ва чеклаш умумий сиёсатини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари» корпоратив бошқариш тўғрисида»ги (2000 йил 5 июль, 943-сонли ҳужжат сифатида рўйхатга олинган) Низомининг 5.4.3-бандига мувофиқ, банкнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи таваккалчиликларни кузатиш, жумладан, банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган кредит, валюта, фоиз, бозор, операцион ва бошқа тоифадаги таваккалчиликларни аниқлаш, уларнинг рўйхатини шакллантириш ва банк томонидан уларни бартараф этиш чора-тадбирлари амалга оширилиши назорат қилиш Таваккалчиликларни назорат қилиш кўмитасининг асосий вазифалари сифатида қайд этилди.

Хусусан, кўмита доимий асосда (ҳар ярим йилда) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг (Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 25 майда 2229-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Тижорат банклари» банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом доирасида ташкил этилган банк таваккалчилигини бошқариш вазифалари юкланган махсус таркибий бўлинма томонидан банк таваккалчиликларини бошқариш борасида олиб борилган ишлар натижалари бўйича тайёрланган ҳисоботни қабул қилади.

Шунингдек, кўмита томонидан банкнинг таваккалчиликларини бошқариш тизими фаолияти устидан ички назорат ўрнатилишини таъминлашга масъул ижро органи ва менежментининг иши таҳлил қилинади ва банк таваккалчиликларини бошқариш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чоралар, талаблар ва меъёрлар юзасидан банк Бошқарув кенгашига таклифлар тайёрланади.


Амалдаги тартиб-таомилларга кўра, кўмита бевосита банк Бошқарув кенгашига ҳисобдор бўлиб, у фаолияти да-

**Замонавий банк фаолиятини ташкиллаштиришда банкнинг идоравий тузилмасидаги Таваккалчиликларни назорат қилиш кўмитасининг аҳамияти катта. Маълумки, мазкур назорат механизми 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишларига доир комплекс чора-тадбирлар доирасида жорий этилган эди<sup>1</sup>.**

вомида кенгаши таваккалчиликларни бошқариш тизими доирасида учрайдиган ҳар қандай ахборот ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, амалга оширилиши лозим бўлган чоралар юзасидан таклифлар тайёрлаш ва ўз ваколатига кирувчи ҳолат юзасидан қабул қилинган қарор ҳақида маълумот беришга мажбурдир.

Кўмита томонидан Бошқарув кенгашига тақдим этиладиган ҳисоботда кўйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

кларни бошқаришга масъул ижро органи фаолияти устидан тегишли назорат ўрнатилишини таъминлаш мақсадида кўмитанинг таркиби банк Бошқарув кенгаши аъзоларидан шакллантирилиши лозим. Айти пайтда таъкидлаш жоиз, Марказий банкининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан Бошқарув кенгаши ҳузуридаги Аудиторлик кўмитасига аъзо сифатида сайланган шахслар Таваккалчиликни назорат қилиш кўмитасига аъзо сифатида қабул қилинмайди.



◆ банк фаолиятида таваккалчиликни бошқариш тизими самарадорлиги ҳамда айти пайтда ва истиқболда таваккалчиликнинг мавжудлиги юзасидан ахборот;

◆ банкда йўл қўйилиши мумкин бўлган таваккалчиликнинг умумий даражасидан ошиб кетганлиги ёки ошманганлиги юзасидан ахборот;

◆ банк таваккалчилигига оид ҳолат ўз вақтида аниқланиши, унинг қиймати оид ҳолис маълумотнинг тақдим этилиши, юзага келган таваккалчиликларни бошқариш мақсадида зарур чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги юзасидан ахборот;

◆ банк ички лимитига риоя қилиниши юзасидан ахборот;

◆ кўмита томонидан тасдиқланган иш-режанинг ижросига оид ахборот.

Таваккалчиликларни назорат қилиш кўмитаси фаолияти тижорат банкининг Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланувчи «Таваккалчиликларни назорат қилиш кўмитаси тўғрисида»ги Низом асосида тартибга солинади. Мазкур Низомда кўмитанинг вазифалари, унинг таркибини шакллантириш ва ишлаш тартиби акс эттирилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига мувофиқ, банк фаолиятида юзага келадиган таваккалчи-

нингдек, муассислар (акциядорлар) ва банк ижро органи ўртасидаги вазифаларнинг аниқ белгиланиши ҳамда улар орасида манфаатлар тўқнашуви юзага келмаслигига хизмат қилади.

Корпоратив бошқарувнинг такомиллаштирилиши банкнинг асосий турдаги (кредит, бозор, валюта, фоиз, операцион ва бошқа турдаги) таваккалчилик учраши эҳтимоли юқори бўлган асосий бўлинмалари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва ишлаш тартибига бир қатор ўзгартиришлар киритишни назарда тутди. Айти шундай ёндашув ёрдамида банкнинг барча бўлинмалари бўйича турли тоифадаги банк таваккалчилигининг мақбул «таксимоти» юзага келади. Таваккалчилик-менежменти махсус бўлинмаси таваккалчиликни бевосита кузатиши билан бир пайтда банкнинг тегишли тузилмавий бўлинмаларига (кредитлаш, валютани тартибга солиш, омонат операциялари ва ҳоказо) таваккалчиликни бевосита бошқариш юзасидан вазифаларни юклайди. Бошқача айтганда, банкнинг ҳар бир тузилмавий бўлинмасидан ўз фаолияти йўналишидан келиб чиқиб юзага келган таваккалчиликни тезкорлик билан бошқариши талаб этилади, шу йўл билан банк фаолиятидаги юкламалар тақдорланишининг олди олинади.

Банк таваккалчилигини GRC (governance, risk-management, compliance) тизимдан фойдаланиш орқали комплекс жиҳатдан бошқариш мумкин. Мазкур тизим таваккалчиликни бошқариш масаласини кўйидаги уч йўналишда амалга оширишга ёрдам беради: корпоратив бошқарув, таваккалчилик-менежмент ва ички назорат. GRC тизимдан фойдаланиш банк фаолиятини назорат қилиш ва ҳимоя қилишнинг уч погонали тизими моделини яраттишга имкон беради. Хусусан, таваккалчиликни бошқариш (ҳимоянинг биринчи босқичи), мустақил назорат (иккинчи босқич) ва аудит (учинчи босқич) ўртасидаги фаолиятни аниқ тақсимлайди. Ушбу тизимга асосан таваккалчиликнинг бирламчи назорати бевосита у ёки бу турдаги таваккалчилик юзага келган бўлинмада амалга оширилади. Сўнг таваккалчилик-менежменти ихтисослашган бўлинмаси банк ҳолатига оид тўлиқ маълумотни ўрганиб, умумий интеграцияда таваккалчиликни таҳлил этади. Ҳимоянинг учинчи босқичи эса банк бўйича юририлаётган ички назоратни мустақил баҳолаш мақсадида таклиф этиладиган ҳам ички, ҳам ташқи аудит томонидан амалга оширилади.

Ташкилий жиҳатдан биринчи поғонадаги вазифалар банк фаолиятидаги алоҳида йўналишлар (кредитлаш, инвестициялар, омонатлар)да учрайдиган таваккалчиликларни бошқаришга масъул ҳодимларга юклатилади. Иккинчи поғонада юридик хизмат ва таваккалчилик-менежменти ҳамда учинчи поғонада ички ва ташқи аудит хизматининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Ҳимоянинг биринчи босқичи операцион ҳодимларнинг иштироки, яъни таваккалчилик учун масъул ҳар бир ҳодимнинг қундалик фаолияти асосида таваккалчиликни бошқаришни назарда тутди.

## «УЧ ПОҒОНАЛИ ҲИМОЯ ТИЗИМИ» – БАНК ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАСИГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ МОДЕЛИ

Банк фаолиятидаги таваккалчиликни бошқариш тизимида мавжуд замонавий талаб ва меъёрлар доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар, жумладан, барча турдаги таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, кузатиш, назорат қилиш ва чеклаш (камайтириш) алоҳида йўналиш фаолиятини ҳам, тижорат банклари фаолиятини ҳам ривожлантиришга хизмат қилади. Молиявий салоҳиятни ошириш баробарида бошқарув тизими ва ички назорат сифатини яхшилаш масалаларига жиддий эътибор қаратилиши банк фаолиятининг самарадорлигини кучайтиради.

Мазкур муҳим омилларнинг мувозанатини таъминлаш банк фаолиятининг барқарорлиги ва тараққиётини кафолатлашга имкон беради. Таваккалчиликларни бошқариш савиясининг ўсиши банклардаги корпоратив бошқарувнинг такомиллашувига замин яратади. Жумладан, банк бошқаруви органи томонидан қабул қилинадиган қарорларда таваккалчиликни кўпайтиришга сабаб бўлувчи жиҳатлар учрамаслиги бўйича хабардорлик ва масъулият кучайишига, шу-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли қарори.



## Банкларда ижтимоий хизматлар

Молия бозори, хусусан, банк хизматлари соҳаси мижозларни жалб этиш ва маҳсулотни ўтказиш зарурати тўғрисида мураккаб фаолият тури ҳисобланади. Аслида банк ишининг ўзига хослиги ҳам шунда. Инновацион ахборотлаштирилган технологияларнинг инсон фаолиятининг барча соҳаларига фаол татбиқ этилиши банк амалиётларини замон талабига мослаштиришни тақозо этмоқда.



Банк ва мижоз ўртасидаги мутаносиблик инновацион маҳсулот ёки хизмат ёрдамида таъминланмоқда. Инновацион технологиялар имкониятларининг кенгайтириши эса муносабатни янги босқичга олиб чиқади. Бунинг исботини жаҳон банк бозориди янги-янги хизматлар юзга келишида кўришимиз мумкин.

### КРАУДФАНДИНГ: ИНСОНИЙ ҚИЁФАГА ЭГА МОЛИЯ

Буюк Британиянинг «Civilised Money» компанияси банкдаги амалиётларни, расмийлаштириш ишларини имкон қадар соддалаштириш борасида фаолият юритади. Уларнинг асосий вазифаси молиявий амалиётлар ҳақида хабардорлик даражаси у қадар юқори бўлмаган оддий истеъмолчи банкка ўз хоҳиши билан боришига эришиш ҳисобланади. Лойиҳадан кўзланган мақсад банклар ишончсиз «инвестиция киритиш, кредитлаш, ссудалар ажратилиши, шаффоф ва очик тарифлар асосида пул ўтказмаларини амалга ошириш» ишларини соддалаштиришдир. Бундай фаолият «краудфандинг» атамаси билан номланди. Краудфандинг – муайян мақсадлар учун жамоа томонидан маблағ йиғилиши, қўшма (ёки бошқача айтганда, халқ томонидан) молиялаштириш мазмунини англатади. Гарчи ўз фаолиятини кенг миқёсда реклама қилмасан-да, дастлабки ўн кунлик

давомида «Civilised Money» молиявий лойиҳаси атрофида 121 нафар инвесторлар бирлашиб, 100 минг фунт стерлинг миқдордаги маблағ жамланди. Ва шу заҳотиёқ Буюк Британиядаги энг катта қўламли краудфандинг бизнесига айланди.

Яқин келажада «Civilised Money» краудсорсинг молиявий лойиҳаси ўз мижозларига кенг турдаги молиявий хизматларни кўрсатиш ниятида. Компания Буюк Британиядан ташқари хорижий давлатларда ҳам ўз тармоқларини кенгайтирмоқда. Айниқса, лицензиялаш ва бошқа турдаги шартномаларни имзолаш борасидаги фаолияти кўпчилиكنинг эътиборини тортган.

### САРҲАД БИЛМАС МОЛИЯ

Хат-саводи йўқ, маълумоти тўлиқ бўлмаган инсонлар учун банкмат кашф қилинганлигидан хабарингиз борми? Банк лойиҳаларини ишлаб чиқиш соҳасида етакчи компания ҳисобланмиш NCR таъкидлашчи, аҳолининг 50 фоизи саводи йўқлиги тўғрисида банк хизматларидан тўлиқ фойдалана олмайди. Шу боис компания инсоннинг биометрик маълумотлари асосида банк хизматларини кўрсатувчи банкматни кашф этди. Банкмат дисплейдан фойдаланиш ёки мосламадаги тилни билмаслиқ оқибатида банкматни қўллаб олмайдиганларга қўл келувчи бундай

банкматлар бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатларида оммалашиб бормоқда.

### ХУСУСИЙ КРЕДИТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Молиявий IT-хизматларни ишлаб чиқувчилар чет элликлар учун банк маҳсулотлари ёки хизматларига асос солишди. Бу каби илк хизматлар Австралияда синов тариқасида жорий этилиб, улар мазкур давлатга ривожланаётган мамлакатлардан ташриф буюрган талабаларга таълим кредитлари ажратилишини назарда тутди.

Лойиҳа муаллифлари ўзларини тижорат ташкилоти деб ҳисобламай, кам таъминланган оила фарзандларига аввало сифатли таълим олишлари, кейин эса муносиб иш ҳақида эга ишга жойлаштирилари ва ниҳоят фаровон турмуш қуришлари учун шароит яратишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. Бунинг учун истиқболли инвесторлар веб-саҳифада талабалар томонидан жойлаштирилган шахсий маълумотномаларни синчковлик билан ўрганади ва ўзлари сараланган талаба ҳисоб рақамига ўз молиявий ҳамкорлари орқали кўпи билан 25 минг АҚШ долларини тушириб беради. Кредиторлардан келиб тушган маблағ қарздор-талабаларга таълим олишни давом эттириши учун бериллади.

**Интернет материали асосида тайёрланди.**

## Енгил саноат йўналишида 130 дан ортиқ лойиҳа ишга тушди

«Made in Uzbekistan» ёрлиги туширилган маҳсулотлар бугун жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Фарғона вилоятидаги енгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар ҳам хорижлик харидорларга манзур бўлмоқда.

Ўтган йили вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида енгил саноатда 130 дан ортиқ лойиҳа ишга туширилди. Қўқон шаҳридаги «Индорама Коканд Текстайл» қўшма корхонаси, Бешарик туманидаги «Бешарик тўқимачи», Учқўприк туманидаги «Хумо тўқимачи» масъулияти чекланган жамиятлари, Бағдод туманидаги «Ферғана спиннинг» қўшма корхонаси каби кўплаб корхоналарда истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Фарғона шаҳрида иш бошлаган «Fergana oseaana textile» Ўзбекистон – Таиланд қўшма корхонаси йилга 3 минг 600 тонна пахта хомашёсидан сифатли ип-калаваш ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона маҳсулотлари Европа давлатлари, Россия ва Хитойга экспорт қилинмоқда.

Марғилон шаҳридаги «Тексажен» масъулияти чекланган жамиятида кейинги уч йилда кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилиб, замонавий технологиялар ўрнатилди. Ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот сифати янада ошган корхонада айни пайтда 100 дан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Мазкур жамиятда кунига 8 тоннага яқин ип-калаваш ишлаб чиқарилиб, тайёр маҳсулотлар Россия, Хитой, Эрон ва Туркия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Марғилон енгил саноат ва туризм касб-хунар коллежининг бир гуруҳ ўқувчилари ҳар йили бу ерда амалиёт ўтаб, ўзларининг мўқим иш жойига эга бўлмоқда.

Рақобат тобора кучайиб бораётган халқаро бозордаги ўзгаришлар сифатли, экспортбоп маҳсулот турини кўпайтиришни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда экспортчи корхоналарнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт ҳажминини ошириш имкониятини кенгайтирмоқда. Жорий йилда корхонада янги лойиҳа асосида чойшаблар, болалар футболкалари ва пайпоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

**ЎЗА материали асосида.**

Ўз билим ва салоҳияти асосида айнан бу ходимлар уларнинг жорий фаолиятида учрайдиган таваккалчилик ва имкониятларни тўғри баҳолаб олиши керак. Биринчи босқичда таваккалчиликни назорат қилиш барча тегишли бўлинмалар томонидан амалга оширилиб, бу жараёнда ўз бўлинмалари доирасида учрайдиган таваккалчиликларни аниқлаш, юмшатиш ва кузатиш имконияти мавжуд.

Ҳимоянинг биринчи поғонаси самарали юритилиши мақсадида раҳбарият бунга масъул ходимларга етарли даражада ташкилий-ҳуқуқий шароит яратиб бериши лозим. Биргина маълумотларни киритиш орқали таваккалчиликнинг қўламини тўғри баҳолаб олиш имконини берувчи механизм ишга туширилиши талаб этилади.

Ҳимоянинг иккинчи босқичида банк умумий фаолиятидаги таваккалчиликни ўрганувчи таваккалчилик-менеджмент бўлинмасининг аҳамияти катта. Мазкур бўлинмага биринчи босқичда амалга оширилган чораларни кузатиш ва назорат қилиш масъулияти юклатилади. Ҳимоянинг иккинчи босқичини ишга туширишдан кўзланган мақсад таваккалчиликларни бошқариш тизими мунтазам ва кенг қўламда ишлашини таъминлашдан иборат. Таваккалчилик-менеджмент бўлинмаси бевосита банк Бошқарув кенгаши ва Таваккалчиликни назорат қилиш қўмитасига ҳисобдор.

Иккинчи босқичда таваккалчиликни баҳолаш ва бошқариш сиёсати назорат қилинади ва қўллаб-қувватланади, меъёр ва лимитлар белгиланади, амалга оширилган ишлар кузатилади ҳамда биринчи босқичда таваккалчиликни бошқариш борасида амалга оширилган ишлар баҳоланади.

Ҳимоянинг учинчи босқичи ўзида ички аудит гуруҳини намоён этиб, бу босқичда ҳимоянинг биринчи ва иккинчи босқичида амалга оширилган ишлар устидан мустақил назорат ўрнатилади. Тижорат банки таваккалчиликларни бошқариш масаласига жиддий эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир. Сабаби таваккалчиликнинг умумий ҳолати яққол кўриниб турган вақтда ички аудит хизмати ўз эътиборини фақатгина таваккалчиликнинг даражаси юқори бўлган йўналишларга қарата олади. Бу эса банк фаолиятида ноҳусоқ оқибатлар юзга келиши эҳтимолини камайтиради.

Банк фаолиятига таъсир кўрсатувчи таваккалчиликни баҳолаш жараёнида ички аудит хизматининг операция мустақиллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Учунчи босқичнинг ишончлилиги банк Кузатув кенгаши ҳузурдаги Аудит қўмитасига бўйсунувчи ички аудит хизмати томонидан таъминланади.

Ички аудит хизмати банк таваккалчилигини бошқариш ва назорат қилишнинг биринчи ва иккинчи босқичида амалга оширилган чоралар устидан мустақил ва ишончли назорат ўрнатилишини таъминлайди.

Банкларда таваккалчилик-менеджментнинг самарадорлиги ва тезкорлигини таъминлаш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш автоматлаштирилган тизими ишга туширилиши мақсадга мувофиқ. Янги технология ва услублар таваккалчиликни комплекс жиҳатдан бошқариш ва тез фурсатларда тўғри қарор қабул қилинишига хизмат қилади. Бу эса банк тизимидаги рақобатбардошликка ижобий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

**Низомиддин МУРОДОВ.**



# Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

## Лицензиатлар фуқаролар ва ташкилотлар аризасига кўра текширилади

2016 йил 29 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 418-сонли Қонун билан 2000 йил 25 майдаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги 71-П-сонли Қонунга ўзгаришлар киритилди.

Энди лицензияловчи органлар ўз ваколатлари доирасида лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширишларни жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида махсус ваколатли органнинг – Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиш ҳуқуқига эга.

Эслатиб ўтамиз, илгари режадан ташқари текширишлар лицензия қоидалари ва шартларининг лицензиат томонидан бузилишидан гувоҳлик берувчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда ўтказиларди.

Ўзгаришлар 2017 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

## Эркин иқтисодий зоналар қандай ривожланади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 декабрдаги 418-сонли қарори билан эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тасдиқланди (кейинги ўринларда – ЭИЗ).

Эслатиб ўтамиз, Президентимизнинг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли фармони билан ЭИЗ учун ягона ҳуқуқий режим ўрнатилган, солиқ ва боғжона имтиёзлари бирхиллаштирилган эди. Батафсил – бу ерда.

**ЭИЗнинг Маъмурий кенгаши тўғрисидаги Низом тасдиқланди**  
ЭИЗнинг Маъмурий кенгаши – Президент Фармони билан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларидан ташкил этиладиган коллегиял орган.

Маъмурий кенгаши раис бошқаради ва унинг мажлисларини ўтказиши (у бўлмаганда – раис ўринбосари). Бунда рўйхатга олиш туганган пайтда унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми рўйхатдан ўтган тақдирда, мажлис ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Кенгашнинг қарорлари мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. ЭИЗнинг Маъмурий кенгаши қарорлари унинг барча аъзолари томонидан вижа қўйилган, котиб томонидан имзо чекилган, раис томонидан тасдиқланган баённома билан расмийлаштирилади ва у бир ҳафталик муддатда кенгаш аъзолари ва манфаатдор ташкилотларга юборилади. Баённоманинг асл нусхаси ва унга материаллар ишчи орган – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида сақланади.

ЭИЗнинг Маъмурий кенгаши мажлислари заруратга кўра, бироқ камида чоракда бир мартаба ўтказилади. Кенгаш аъзоларидан бирининг ташаббуси билан навбатдан ташқари мажлис ўтказилиши мумкин.

ЭИЗнинг Маъмурий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорига биноан белгиланган тартибда ўз фаолиятини тўхтатади.

Низомда ЭИЗ Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

**Чора-тадбирлар дастури қабул қилинди**

Қарор билан ЭИЗ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳам тасдиқланган.

Дастур доирасида қуйидаги тадбирлар режалаштирилган:

- инвесторлар томонидан иш тажрибаси ҳақидаги маълумотлар ва инвестор томонидан янгитдан ташкил этилган корхоналар бўйича охириги уч йил учун молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ташкилоти ҳулосасини тақдим этиш бўйича талабни қайта кўриб чиқиш;

- келиб тушган ҳужжатларни тақдим этиш, кўриб чиқиш ва келишиши жараёнини босқичба-босқич электрон шаклга ўтказиш;

- Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатини ЭИЗ дирекциялари томонидан 5 дан 2 иш кунигача, ЭИЗнинг Маъмурий кенгаши томонидан 10 дан 5 иш кунигача қисқартириш;

- ЭИЗ дирекцияларида ЭИЗ иштирокчилари учун «Ягона дарча» тамойили бўйича хизматлар кўрсатиш тартибини жорий этиш (рухсат бериш тусидаги зарур ҳужжатлар, айрим фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияларни расмийлаштириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун сертификатлар олиш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқлари: электр энергияси, табиий газ, техник ва ичимлик суви, канализация, телекоммуникация ва бошқаларга улаиш);

- ЭИЗда банклар филиалларини очиш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ЭИЗ иштирокчиларига имтиёзли кредитлар, жумладан, хорижий валютада тақдим этиш ва ҳ.к.

## Худудларда ҳукуматнинг ваколатли вакиллари пайдо бўлади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 январдаги 1-сонли қарори билан Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) тўғрисида Низом тасдиқланди.

**Тузилма белгиланди**

Департамент ўз фаолиятини Бош вазир раҳбарлигида амалга оширади, Бош вазирнинг биринчи ўринбосарига бўйсунди, айти вақтда унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Департаментнинг тузилмаси Президент томонидан тасдиқланади ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Департамент мудир;
- Департамент мудирининг ўринбосари;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бош ва етакчи мутахассислар;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш бўйича бош мутахассис;

- худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш масалалари бўйича бош мутахассис;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг муражаатларини кўриб чиқиш бўйича етакчи мутахассис.

**Худудларда ваколатли вакиллар фаолият кўрсатади**

Белгиланишича, Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бош ва етакчи мутахассислари тегишли ҳудудда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатли вакиллари ҳисобланади.

Уларнинг қўрсатмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Ўз навбатида, ваколатли вакиллар ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун Вазирлар Маҳкамаси олдида шахсан жавоб берадилар. Шунингдек, ваколатли вакиллар ўзларига юкланган функционал вазифалар бажарилиши натижалари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳолати, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолияти тўғрисида йилнинг ҳар чоригада Департамент мудир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва Бош вазир олдида ҳисобот берадилар.

Низом билан ваколатли вакиллар, шунингдек, Департаментнинг бошқа мутахассисларининг ҳуқуқ ва лавозим вазифалари тасдиқланган.

**Функциялар ва вазифалар тасдиқланди**

Департаментнинг фаолиятнинг асосий соҳалари бўйича устувор вазифалари белгилаб берилди:

- худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш таҳлили соҳасида;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида;

- аҳоли ҳаёти сифати ва даражасини ошириш соҳасида;

- аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот қилиш соҳасида.

Департаментнинг функциялари унинг ваколатига кирувчи асосий масалалар бўйича гуруҳланган:

- Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини ижро этиш, ижро интизомини назорат қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича;

- ахборот-таҳлилий ишлар масалалари бўйича;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича;

- худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари амалга оширилиши мониторинги олиб борилиши ва назорат қилиниши масалалари бўйича;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари фаолияти самарадорлиги масалалари бўйича.

**Жавобгарлик белгиланди**  
Департамент қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

- ўзига юкланган вазифалар ва функциялар зарур даражада ва самарали бажарилиши;

- Вазирлар Маҳкамасига киритилган ҳужжатларнинг лойиҳалари, таклифлар ва масалалар сифатли эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиши таҳлил этилиши;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукуматнинг қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириқлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назорат таъминланиши;

- Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши учун.




## Инвестицияларни шакллантиришда суғурта фондлари аҳамияти

Мамлакат иқтисодиёти учун суғурта ташкилотлари захира фондлари узоқ муддатли инвестиция манбалари ҳисобланади. Шу боис ҳар бир давлат ўз иқтисодиёти учун суғурта захиралари ҳажмини ошириш ва уларни рағбатлантиришга интилади.

Суғурта бозори фаолларидан бўлган «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти ҳукуратимиз раҳбариятининг қўллаб-қувватлови остида ўз молиявий барқарорлиги ҳамда тўлов қобилиятини юксалтириб, устав капиталини йилдан-йилга мустаҳкамлаб келмоқда.

Акциядорлик жамияти устав фонди ўсиши динамикаси (млрд. сўмда)



Хусусан, акциядорлик жамиятининг устав капитали ўтган йигирма йил давомида 13,4 бараварга оширилиб, 26,8 млрд. сўмга етказилди.


Инвестиция портфели эса, компания ташкил топган даврда (1997 йилда) 0,8 млрд. сўм бўлган бўлса, сўнгги ўн йил ичида 22 мартага кўпайди (2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига

кўра, 65,7 млрд. сўмни ташкил қилди).

– Суғурта компаниялари ўзларида йиғилган суғурта захираларини иқтисодиётга йўналтириш орқали унинг ривожланишига, молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади, – дейди «Ўзгросуғурта» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар ва инвестиция департаменти бош менежери **Ботиржон Мамараҳимов**. – Микродаражада эса, суғурта компаниялари даромадларини кўпайтириш мақсадида ўз инвестиция фаолиятини самарали юритишга ҳаракат қилади. Бунинг самарасида кўрсатаётган хизматлари таннархини пасайтириш, миқдорлари базасини кенгайтириш ва шу орқали молиявий ҳолатини яхшилаб, бозор мавқени мустаҳкамлашга эришади. 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, мамлакатимиздаги суғурта компанияларининг инвестиция портфели жами 826,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан 7,95 фоизи «Ўзгросуғурта» АЖ улушига тегишли.

Бугунги кунда ушбу акциядорлик жамиятининг йирик акциядорлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (75,60 фоиз),

Акциядорлик жамияти инвестиция портфелининг ўсиш динамикаси



«Ўзпахтасаноат» уюшмаси (13,18 фоиз), «Агробанк» ва «Туронбанк» акциядорлик-тижорат банклари (8,62 фоиз), «Ansher Investment LLP» хорижий компанияси (1,25 фоиз) ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Кейинги беш йилда компаниянинг соф активлари 4 баравардан зиёд ёки 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 89,3 млрд. сўмга ошган бўлиб, бунинг 57,1 млрд. сўми суғурта захиралари, 7,8 млрд. сўми олинган соф фойда ва захира фонди, 24,5 млрд. сўми эса, устав капиталининг ошиши ҳиссасига тўғри келади. Суғурта захиралари ушбу даврларда 3,66 мартага кўпайиб, 78,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Натижада инвестиция портфели 5 йилда 4,15 марта ёки 50 млрд. сўмга ошиб, 65,7 млрд. сўмни ташкил қилди ва умумий суғуртачиларнинг жами инвестиция портфелидаги ушбу акциядорлик жамияти улуши 7,95 фоизга тенг бўлди.

Компания инвестиция портфелининг 23,8 млрд. сўми қимматли қозғаларга қилинган инвестициялар, 41,9 млрд. сўми депозит сертификатлари ва тижорат банкларига жойлаштирилган узоқ муддатли депозитлардан ташкил топган. Инвестициялардан олинган даромад 2016 йилнинг 9 ойи давомида 3,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Акциядорлик жамияти инвестиция даромадларининг ўсиш динамикаси (млрд. сўмда)



2340-сонли Қарорига мувофиқ, «Ўзгросуғурта» АЖ устав фондидаги давлат улуши (24,6 фоиз)ни хорижий инвесторларга сотиш чоралари кўрилмоқда. Бу борада акциядорлик жамияти раҳбарияти Испаниянинг қатор компаниялари билан музокаралар олиб бормоқда.

**Наргиз АҲМЕДОВА.**

## Инновацион суғурта маркази

«KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ Тошкент шаҳридаги Инха университетиде инновацион суғурта марказини ташкил этди.

Бу борада томонлар ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат доирасида томонлар IUT биносиде суғурта бизнесини автоматлаштиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширувчи инновацион суғурта маркази фаолиятини йўлга қўяди.

Мазкур лойиҳа биринчи навбатда IUT талабаларининг суғурта тизими билан яқиндан танишиш ҳамда турли технологиялар ва дастурлардан фойдаланган ҳолда соҳанинг барча йўналишлари бўйича дастурлаш билан боғлиқ кўникмаларини орттиришга ёрдам беради.

Келишувга кўра, лойиҳа 2017-2018 ўқув йили давомида амалга оширилади. Бунда «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» талабаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

– Биз Ўзбекистон суғурта бозорининг етакчи компанияларидан бири билан ҳамкорлик қилаётганимиздан

хурсандимиз, – дейди IUT ректори **Сарвар Бабаходжаев**. – Бу мамлакатимизда тобора ривожланиётган суғурта соҳаси учун юқори малакали IT-мутахассисларини тайёрлашга кўмаклашади. Марказнинг яратилиши суғурта бозорига инновацион ва ахборот технологияларини татбиқ этишга, бу эса, ўз ўрнида ахборот-коммуникация технологиялари ва суғурта бозорини ривожлантиришга туртки бўлади.

Таъкидлаш жоиз, «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ ва Тошкент шаҳридаги Инха университети муваффақиятли ҳамкорликка эгадир. 2016 йилда томонлар талабалар ўртасида суғурта ташкилотининг мобил иловасини тайёрлаш бўйича танлов ўтказиб, уларнинг ижодий ишлари маҳсули ўлароқ, суғурта ташкилотининг Android ва iOS платформаларида мобил иловасини ишга туширишга ҳисса қўшганди.

**Гулшан ЮСУПОВА.**

## Сирдарёда суғурталаш имконияти кенгайди

«Kapital Sug'urta» акциядорлик жамияти Ўзбекистон суғурта бозори пешқадамларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда ушбу акциядорлик жамияти мамлакатимиз бўйлаб кенг тармоққа эга бўлиб, унинг хизмат кўрсатиш инфратузилмаси 17 та филиал ва суғурта маркази, шунингдек, бир неча ўнлаб туман бўлинмаларини ўз ичига олади.

Яқинда компания бўлинмалари сони яна биттага кўпайди. Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида минтақа филиалининг янги офиси ўз ишини бошлади.

Ушбу филиалнинг очилиш маросимида сўз олган акциядорлик жамияти бош директори Акромжон Юлдашев Сирдарё вилояти суғурталаш нуқтаи назаридан республикамизнинг энг истиқболли минтақаларидан бири эканлигини таъкидлаб, ҳудуд аҳолиси ва миқдорлар мазкур янги замонавий офисни муносиб баҳолашига умид билдирди.

Филиалнинг янги офиси уч қаватли бўлиб, бўлинма замо-

नावий жиҳозлар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг энг сўнгги ишланмалари билан таъминланган.

**Маълумот.** «Kapital Sug'urta» компаниясининг Сирдарё минтақавий филиали томонидан 2016 йилнинг 9 ойи якунларига кўра, тузилган суғурта шартномалари сони 3 800 тадан ошган, жамланган суғурта муқофотларининг умумий қиймати 248 млн. 600 минг сўмни ташкил этган.

**Юлдуз ЗОКИРОВА.**

## «Alskom» болалар футболни қўллаб-қувватламоқда

«Alskom» акциядорлик жамияти «Lokomotiv» профессионал футбол клуби томонидан ташкил этилган болалар футбол фестивалида хонийлик қилди.

Илк мартаба ўтказилган «Loko Cup» фестивали пойтахтимиздаги Тошкент ахборот технологиялари университети спорт саройида бўлиб ўтди. Унда «Lokomotiv» футбол клубининг Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Наманган вилоятларидаги жамоалари, «Спартак» клубининг 2009-2010 йилларда тузилган



ЎзА фотосурати

ўсмирлардан иборат жамоалари ҳамда «Lokomotiv» футбол мактабида таҳсил олувчи 5-6 ёшли болалар жамоалари иштирок этди.

Фестивал якунида фо-

либлар футбол клуби, ҳонийлар, хусусан «Alskom» суғурта компаниясининг қимматбаҳо совгалари билан рағбатлантирилди.

**Эъзоз КАМОЛОВА.**

### Эълон

«Global Food and Trade» МЧЖ

(Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси, 1-ўй, 76-қонда) таъсисчиларнинг 2017 йил 18 январдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилиб қирғилди. Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан 23.12.2015 йилда 008818-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (СТПР 303610568), Давлолат 2 ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Самарқанд дарвоза кўчаси, 1-ўй, 76-қондада қабул қилинди.

Мурожаат учун телефон: (+99891) 166 55 72.

Хизматлар лицензияланган.

# «Тошкент» РФБ биржа савдоларининг таҳлили 2016 йил декабрь ойида

2016 йил декабрь ойида «Тошкент» республика фонд биржасида 21 та савдо сессияси ўтказилди.

Ҳисобот ойида 41 эмитентли 98 млн. дона қимматли қоғозларнинг олди-сот-дисига оид 352 та битим тузилди.

2016 йил декабрь ойида қимматли қоғозлар биржавий битимлари ҳажми 75,6 млрд. сўмга етди. Бу эса 2015 йил декабрь ойидаги кўрсаткичга нисбатан 2 баробар кўп (32,7 млрд. сўм)

плекс қимматли қоғозлар бозори йўналишларида:

- Асосий («Main Board») – қиймати 40,9 млрд. сўмлик 308 та битим, жумладан, хорижий валютада 11,0 млн. АҚШ долларилриқ (ЎзМБ айирбошлаш курсига кўра 33,1 млрд. сўмлик) 3 та битим тузилди;
- Келишувли кимошди савдоси режимида («Nego Board») – 33,2 млрд. сўмлик 9 та битим, улардан хорижий валютада 10,2 млн. АҚШ долларилриқ (ЎзМБ айирбошлаш курсига бўйича 35,0 млрд. сўмлик) 8 та битим тузилди;

- Жисмоний шахслар учун клирингсиз битимлар доирасида («NC Board») – 002 млрд. сўмлик 33 та битим;
- Биржанинг амалдаги савдо тизими доирасида: давлат улушига эга қимматли қоғозлар йўналишида – 1,5 млрд.

сўмлик 2 та битим. Қиймати бўйича энг катта битим 7 декабрь куни асосий тармоқ («Main Board») йўналиши бўйича хорижий валютада тузилди, натижада «InFinBank» АТБнинг 8,9 млн. АҚШ долларилриқ

27,9 млн. дона қимматли қоғозлар (ЎзМБ айирбошлаш курси бўйича 28,5 млрд. сўмлик) сотилди.

Декабрь ойида ўртача ҳажмли биржавий битим ҳажми 214,8 млн. сўмни ташкил этди;

Сотилган бир дона қимматли қоғознинг ўртача нархи 771,7 сўмга етди.

Қимматли қоғозларга бўлган талаб шакланганлиги кўрсаткичларидан бири қимматли қоғозлар номинал қийматининг уларнинг савдо нархи сониинг тахминан ярми номинал қийматдан юқори нархда тузилди. Ликвидлилик кўрсаткичи энг юқори даражани ташкил этган соҳа саноат ҳисобланади – 10,80.

Умуман олганда, ўртача тармоқларда қимматли қоғозларнинг номинал қийматига нисбатан савдо нархидаги ўртача тафовут 1,75 га тенг бўлди.

Биржадаги кўрсаткичлар тармоқлар кесимида таҳлил қилинганида инвестициявий жозибадорлик асосан банклар қимматли қоғозлари – 52,3 фоиз ва саноат корхоналари – 44,1 фоизда учрагани аниқланди.

Инвесторлар категорияси бўйича қуйидагиларда фаоллик кузатилди:

Юридик шахслар томонидан тузилган битимлар ҳажми бўйича – жами ту-

зилган битим ҳажмининг 95,7 фоизи;

Жисмоний шахслар томонидан тузилган битимлар ҳажми бўйича – биржавий битимлар умумий ҳажмининг 54,3 фоизи.

Декабрь ойида битимлар ҳажмининг ўртача кўрсаткичи (битимлар қиймати/битимлар сони) қуйидагича бўлди:

Юридик шахслар билан – 449,2 млн. сўм;

Жисмоний шахслар билан – 17,2 млн. сўм.

Декабрь ойида биржа бозорининг савдода қимматли қоғозлари билан иштирок этган инвесторлар тури бўйича кўрсаткич қуйидагича бўлди:



ва биржа тарихидаги рекорд натижа ҳисобланади.

Ҳисобот ойида қимматли қоғозлар иштирокида қуйидаги йўналишда битимлар тузилди:

- Ягона дастурий-техник ком-

1-жадвал. «ТОШКЕНТ» РФБ БИРЖА АЙЛАНМАСИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кўрсаткичлар	2015 й. декабрь	2016 й. декабрь	Ўзгариш (+ ушиб, - пасайиш), фоизда
Қимматли қоғозлари билан биржага мурожаат қилган АЖлар сони	25	41	+64,0
Битимлар сони, донда	432	352	-18,5
Қимматли қоғозлар сони, млн. донда	17,3	98,0	+466,5
Битимлар суммаси, млрд. сўмда	32,7	75,6	+131,2

2-жадвал. АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАР КЕСИМИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР НАРХИНИНГ УЛАР НОМИНАЛИГА НИСБАТИ, 2016 йил декабрь


Агросаноат мажмуаси	1,05
Банк соҳаси	1,03
Лизинг	1,23
Саноат	10,80
Ижтимоий соҳа	1,00
Сугурта	1,23
Қурилиш	3,64
Транспорт	1,20
Бошқалар	1,19

3-жадвал. БИРЖА САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ БРОКЕРЛИК ИДОРЛАРИ РЕЙТИНГИ, 2016 йил декабрь

Брокерлик идоралари	Битимлар сони, донда	Битимлар умумий суммаси, млн. сўмда	Солиштирма нисбати
«Kapital-Depozit» МЧЖ (БИ № 443)	8	58 129,6	38,4%
«FULL STOCK GROUP» МЧЖ (БИ № 453)	13	33 636,4	22,2%
«NEFTGAZDEPOZIT» МЧЖ (БИ № 463)	9	32 804,9	21,7%
«Dalal Standard» (БИ № 382) МЧЖ	12	13 457,9	8,9%
«Birinci Banklararo Depozitariy» МЧЖ (БИ № 450)	40	6 642,2	4,39%
«Mulk-Sarmoya Brokerlik UYI» АЖ (БИ № 447)	18	1 504,0	0,99%
«Alp omad invest» (БИ № 416) МЧЖ	4	1 002,7	0,7%
«Portfolio Investments» (БИ № 454) МЧЖ	60	939,0	0,6%
«Наймон Инвест Консалтинг» МЧЖ (БИ № 472)	51	907,1	0,6%
«Ishonch LTD» (БИ № 444)	144	406,1	0,3%


3-диаграмма.

Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби, 2016 йил декабрь



2-диаграмма.

Қимматли қоғозлар биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби, 2016 йил декабрь



- Хорижий инвесторлар 91,6 фоиз
- Сугурта компаниялари 2,1 фоиз
- Жисмоний шахслар (жумладан, чет эл фуқаролари 0,4 фоиз) 4,3 фоиз
- Бошқа юридик шахслар 2,0 фоиз

Ўтган ойда фонд биржасида тузилган битимларда брокерлик идораларининг фаоллиги қуйидаги кўрсаткичларда намоён бўлди.

Биржа савдоларида жами 22 та брокерлик идораси иштирок этди.

Биржада тузилган битимлар ҳажми бўйича энг фаол ўнта брокерлик идорасига оид кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

Энг фаол ўнта брокерлик идоралари томонидан тузилган битимлар ҳажмининг жами биржавий айланмадаги соф улуши 98,8 фоизни ташкил этди, битимлар сони бўйича эса 51,0 фоизга етди.

Декабрь ойида биржа савдоларида иштирок этган идоралар орасида етакчи ўринларни қуйидаги ташкилотлар эгаллади:

► Қимматли қоғозлар битими ҳажми бўйича:

- «Kapital-Depozit» МЧЖ (БИ№443);
- «FULL STOCK GROUP» МЧЖ (БИ №453);
- «NEFTGAZDEPOZIT» МЧЖ (БИ №463).

► Қимматли қоғозлар битими сони бўйича:

- «NAVOIY VAQT» МЧЖ (БИ №464) – 198 та битим;
- «Ishonch LTD» МЧЖ (БИ №444) – 144 та битим;
- «Portfolio Investments» МЧЖ (БИ №454) – 60 та битим.



## ИХТТ мамлакатлари ЯИМ кўрсаткичлари маълум бўлди

2016 йил III чорақда ИХТТ мамлакатларидаги ЯИМ кўрсаткичи ўсиш суръати 0,5 фоизга жаддалашди.

Ташкилот вакилининг Banki.ru веб-саҳифаси муҳбирига берган маълумотига кўра, 2016 йил III чорақда ИХТТ мамлакатларининг ЯИМ ўсиш суръати ундан аввалги чорақдаги 0,4 фоиз ўрнига 0,5 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида ЯИМ кўрсаткичи сезиларли ўсган мамлакатлар сирасига Канада (2016 йил II чорақдаги 0,3 фоиз ўрнига 0,9 фоизни ташкил этди) кирди ва бундай натижага асосан савдо баланси омонатининг сезиларли ортиши ҳисобига эришилди. АҚШдаги ўсиш суръати ҳам ундан аввалги чорақка нисбатан ортиши (0,4 фоиз ўрнига 0,9 фоиз) барча турдаги омонатларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлди.

Италияда ЯИМ ўсиш суръати 0,3 фоизга етди (II чорақда 0,1 фоиз эди). Ўсиш суръати асосан жамғарилган захиралардан иборат омонатларнинг ортиши ҳисобига таъминланди. Бошқа томондан эса, тоза экспорт омонати сезиларли даражада камайди (0,3 фоизли банд ўрнига 0,1 фоизли бандга тенг бўлди).

Францияда ЯИМ кўрсаткичи ижобий динамикада ўсди (ундан аввалги чорақда 0,1 фоиз эди, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 0,2 фоизга тенг бўлди). Ушбу мамлакатда ҳам жамғарилган захира омонати ортиши ҳисобига ижобий натижага эришилди (манфий 0,8 фоизли банд ўрнига 0,6 фоизли бандга етди). Бу билан савдо балансидаги омонатлар бўйича кўрсаткичлар пасайиши (0,5 фоизли банд ўрнига манфий 0,6 фоизли бандга етди)га оид вазиятнинг таъсири сезилмади.

Бирлашган Қироллик ЯИМ ўсиш суръати барқарорлигича қолди (0,6 фоиз). Италия ва Франциядаги сингари Буюк Британияда ҳам савдо балансида оид кўрсаткич пасайди (2016 йил II чорақдаги 0,4 фоизли банд ўрнига манфий 1,2 фоизли бандга тушиб қолди). Япония ва Германияда ҳисобот даврида ЯИМ ўсиш суръати суствлашди, яъни Японияда аввалги чорақда 0,5 фоиз бўлган бўлса, учинчи чорақда бу кўрсаткич 0,3 фоизга, Германияда эса 0,4 фоиздан 0,2 фоизга тушиб қолди.

## Трансчегаравий тўловларни соддалаштирувчи илова

Бутунжаҳон банклараро молиявий алоқалар каналини ўзида муҳасам этган SWIFT жамияти халқаро тўлов тизимини соддалаштиришни назарда tutувчи блокчейн-иловани ишлаб чиқди.



SWIFT мутахассислари қайд этишича, кун келиб «ностро» номи билан юритилувчи ҳисоб рақамнинг ўрнини босиши мумкин.

Тақсимланган реестрлар технологиясининг («Distributed Ledger Technology», DLT) синондан муваффақиятли ўтиши банкларга уларнинг ликвидлилик кўрсаткичи глобал даражада мақбуллашуви ва SWIFTнинг мустақил маълумотлар базасига сарфланадиган харажатларини қисқартиришга имкон беради. Қолаверса, бу дастурий ишланма банклараро ташкилот аъзолари томонидан амалга ошириладиган эксплуатациявий харажатларни камайтириш ва бошқа инвестициялар учун ликвидлиликни бўшатиб қўйишга хизмат қилади.

Бугунги кунда SWIFT тармоғи 11 мингга яқин молиявий муассасаларни ўзида қамраб олган бўлиб, мавжуд дебет ва кредит платформаларини қўллаган ҳолда жаҳон бўйича уларнинг ҳисоб рақамларини назорат қилади.

## Европа барқарорлик механизми Грециянинг инқирозга қарши дастурини назорат қилиши мумкин

Германия молия вазири Вольфганг Шойбле «Süddeutsche Zeitung» нашрига берган маълумотларга кўра, Европа барқарорлик механизми (ЕБМ) Халқаро валюта фонди (ХВФ) ушбу дастурда иштирок этмасликка оид сўнгги қарорни қабул қилган тақдирда Грециянинг инқирозга қарши дастурини назорат қилиши мумкин.

«Фонд муайян сабабларга кўра мазкур дастур доирасида ишлашни истамаган тақдирда европаликлар бу ишга қўл уради ва умид қиламизки, улар бунинг уйдасидан чиқа олади», – деди у. Агар ХВФ Грециядаги дастурда иштирок этмаса, Грецияга оид қарорлар Европадаги институтлар томонидан ишлаб чиқилади, ЕМБ эса мамлакатни қутқариш вазифасини ўз зиммасига олади.

Германия молия вазирининг таъкидлашича, ундай ҳолда европалик кредиторлар янги дастурда белгиланган ёрдам доирасидаги шароитларни «сезиларли даражада яхшилаш»га

бош-қош бўлиши лозим, жумладан, ЕМБ дастур ижросини назорат қилиш мажбуриятини олади. У бу шароитлар Германия парламенти – бундестаг томонидан маъқулланиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Айни пайтда Шойбле фонд истиқболда кескин тежамкорлик чоралари амалга оширилишини талаб қилаётганлигига қарамай, ХВФ дастурда иштирок этиши лозим, деган фикрни илгари сурмоқда. Бугунги кунга келиб Грецияга ёрдам беришни назарда tutувчи дастур ХВФ томонидан назорат қилиниши Германия парламенти томонидан тўла маъқулланган.



## «Deutsche Bank» ходимларига SMS ёзишни тақиқлади

«Deutsche Bank» хавфсизлик даражасини ошириш мақсадида ўз ходимларига идоровий мобил алоқа воситасида «WhatsApp» ва бошқа турдаги мулоқот дастурларидан фойдаланишни тақиқлаб қўйди.

«Financial Times» нашрига банк вакилларидан бири берган интервьюга кўра, бу хабарномалар банк тармоғида электрон почтадан фарқли равишда сақланиб қолмайди.

Мазкур қоидага жорий чорак давомида амал қилиниши ҳақидаги оғохлантириш хатини ходимларга банкнинг меъёрий-ҳуқуқий тартибо-

ти бўлими бошлиғи Сильви Мазерат ва бош операцион директор Ким Хэммондс йўллади. Бундай чекловлар ходимларнинг иш давомида фойдаланадиган шахсий телефонларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Шунингдек, «Google Talk», «iMessage» сингари мобил иловалардан фойдаланиш ҳам тақиқланган.

## Мижозлар ишончини тиклашга ҳаракат

АҚШдаги йирик банклардан бири бўлмиш «Wells Fargo»нинг 2016 йилдаги соф фойдаси ҳажми 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 4,37 фоизга, яъни 21,9 млрд. АҚШ долларига камайди. Кредит муассасасининг ҳисоботида қайд этилишича, тушум 88,3 млрд. АҚШ доллари, яъни 3 фоизга ортган.

Ушбу банкнинг 2016 йил IV чорақдаги соф фойдаси 5,36 фоизга қисқарган. 2015 йилнинг мос даврида эса ушбу кўрсаткич 5,6 млрд. долларни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида унинг ҳажми 5,3 млрд. долларга тушди. 2016 йил

IV чорақда банк тушуми ҳажми 2015 йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз қолди ва 21,6 млрд. долларни ташкил қилди.

IV чорақда соф фойз даромади 7 фоизга ортиб, 12,4 млрд. долларга тенг бўлди.

ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

# ПУЛ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Инсоният ҳаётида пул яратилибдики, ундан универсал айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Гарчи банк ва молия тизим сифатида нисбатан яқинда шакллангандек туюлсада, аслида унинг яратилиши тарихи узок даврларга тақалади. Биз кредит ва банклар тарихида содир бўлган ажойиб воқеаларнинг айримларига тўхталамиз.



Илк давлат банки Швецияда 350 йил аввал фаолият юрита бошлаган бўлиб, унинг асосий вазифаси амалга оширилаётган операцияларни, мамлакат миллий валютасининг ишлаб чиқарилиши ва унинг ҳолатини назорат қилишдан иборат эди. 1913 йилда Америка Қўшма Штатларида Федерал захира тизимига асос солинган. Унга қадар бу давлатда доллар турлича шакл ва шамойилга эга эди, сабаби улар бир неча банклар томонидан босиб чиқиларди.

1972 йилда АҚШда банк чекларининг ҳисоби юритилувчи электрон тармоқ ишга туширилди.

1977 йилда дўконларда шахсий компьютерлар сотила бошлангач, иқтисодийтни компьютерлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Интернет тармоғи юзага келиши билан эса электрон пулларни яратиш лойиҳалари ишлаб чиқилди.



Металл танганинг номинал қиймати бўйича энг каттаси 1 млн. Канада долларига тенг. Бундай танга 2007 йилда Канадада ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг сони атғи 3 тани ташкил этди ва уларни 3 нафар харидор сотиб олган.

Бугунги кунда жаҳон бўйича икки млн. дан ортиқ банкоматлар ўрнатилган. Уларнинг энг биринчиси 1967 йилда Буюк Британияда ишга туширилган. Лекин у пластик карталар эмас, балки банк томонидан тақдим этиладиган имтиёзли чеклар учун қўлланилган.

1995 йилда рақамли пуллар қоғозли пуллар устидан «ғалаба» қозонди. АҚШдаги аксарият ўтказмалар фақатгина электрон шаклда амалга оширилди.

1998 йил ноябрь ойидан бошлаб МДХ давлатлари бўйлаб бугунги кунда «WebMoney» номи билан аталувчи тўлов тизими ишлаб бошлади. Ушбу тизимнинг қулайлиги ва функционалликни турли компьютерлар ва мобил телефонлар эгалари муносиб баҳолашди. «WebMoney» орқали маҳсулот, хизмат, шунингдек, интернет, саёҳат, йўл чипталари тўловларини амалга ошириш, пулни дунёнинг исталган минтақасига етказиб бериш мумкин.



Қоғозли пулнинг энг биринчиси Хитойда 910 йилда нашр қилинган. Россияда эса 1769 йилдан бошлаб, Екатерина II бошқаруви даврида муомалага киритилган. Император европаликларнинг тажрибасини татбиқ этишга мажбур бўлди, сабаби қоғоз пуллардан фойдаланиш вазни бир ярим килограммлик мис тангага нисбатан анча қўлай эди.

АҚШ доллари 1944 йилдан 1977 йилга қадар «олтин»га айирбошланадиган халқаро валюта ҳисобланарди. Уша пайтларда дастлабки кредит картаси ишлаб чиқарилиб, тамаддихоналар, дўконларда у ёрдамида тўловни амалга ошириш имконияти вужудга келди. 1944 йилда ўтказилган Бреттон-Вуд халқаро конференцияси жаҳон глобаллашувини бошлаб берди. Конференция иштирокчилари ХВФ ва Жаҳон банкига асос солиш тўғрисида қарор қабул қилди.



1973 йилда SWIFT жамияти иш бошлаб, унинг фаолиятига жаҳоннинг 15 та мамлакатидagi 239 та банк бош-қош бўлди.

1991 йилда интернет тармоғи ишлаб чиқилди. 1996 йилдан бошлаб банклар тармоқда ўз вакилликларини ташкил эта бошлади ва интернет тармоғи орқали амалга оширилган операциялар қиймати бўлимдаги нархларга нисбатан анча арзонга тушадиган бўлди. Интернет жаҳоннинг барча мамлакатларидаги молия соҳасини ривожлантиришига хизмат қила бошлади.

Тахминан 125 йил аввал карталар ёрдамида тўловларни амалга ошириш госяи туғилди. Уша пайтда америкалик Эдвард Беллами ҳисоб-китоб ишларида картадан фойдаланиш госясини илгари сурди. Бироқ унинг истиқболли бу лойиҳаси ўша вақтларда эътиборсиз қолди. 1950 йилда эса DCI корпорацияси универсал тўлов картаси – «Diners Club»га асос солди.



Илк рақамли пуллардан 1993 йилда фойдаланилди ва «DigiCash» номи билан юритиларди. Улар асосида смарт карта ишлаб чиқилди ва 1996 йилда уларни Японияда ишлаб чиқарилган телефонларда қўллаш имконияти яратилди. Карталарда белгиланган шахсий код рақамлари ўғрилларнинг эътиборини жалб эта олмасди. Бугунги кунда бундай карталарга сурат ва карта соҳибининг бармоқ изи илова қилинмоқда.

1998 йилда АҚШда «PayPal» тўлов тизимига асос солинди. Ушбу тизим электрон почта орқали ишлаб бошлади ва Европада «PhonePaid» мобил тўлов тизими жорий этилди.



2002 йилда июнда «Яндекс. Деньги» («Яндекс. Пуллар») электрон тизими тақдимоти ўтказилди ва ушбу тизим орқали маҳсулот ҳамда хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконияти туғилди. Айрим фойдаланувчилар ушбу тизимни «WebMoney» сингари қўлай бўлмаса-да, самарали фойдаланиш натижа келтиради» деган фикрда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

**БОШ МУҲАРРИР**  
**А.Н. НАЗАРОВ**  
Нашр учун масъул  
**А.С. АСРОРОВ**  
**ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ**  
**«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ**  
**ДИРЕКТОР**  
**Р.Л. ВАЛИЕВ**  
Газета тахририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

**АХБОРОТ КЎМАГИ**  
**ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА**  
**ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:**  
100084, Тошкент ш.,  
Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй, 3-қават.  
e-mail: info@banknews.uz,  
www.banknews.uz  
**Реклама ва эълонлар учун**  
**234-43-18**  
**телефони орқали мурожаат қилинг.**  
Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.  
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиғи билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат берилгади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.  
Буюртма № 783.  
Адади 8889 нусха.  
Нархи шартнома асосида.  
Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табақда чоп этилди.  
Босишга рухсат этилди: 18.01.2017 й., 9.00.